


Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси

ВАТАН ТИМСОЛЛАРИ



СЎРОВНОМА

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ
БАХТИМИЗ ТАХТИМИЗ

1. Ватанимиз мустақиллиги сизнинг шахсий ҳаётингиз, оилангиз, қон-қариндошларингиз тақдирида қандай аҳамият касб этди?

2. Утган етти йил давомида мамлакатимиз миқёсида, оилангиз доирасида юз берган қайси ўзгаришларни алоҳида қайд этишни истардингиз?

3. Ватан иқболи истиқболи ҳақида уйларкансиз ҳаёлингиздан нелар кечади?

1. Истиқлол бизга энг олий бахт — эркинликни ҳаёда этди. Биргина таълим соҳасидаги ўзгаришларни кўздан кечиринг. Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури ҳар бир ёш йигит қизнинг ўз қобилиятига яраша касб-хунар танлашига имконият берди. Бу йилги Республика Олий ўқув юртлирига қабул тўғрисидаги Президентимиз имзолаган Карор барчанинг олқишига сазовор бўлди. Агар утган йили тўлов-контракт асосида кирувчилар ҳужжат топшириш вақтида шартнома тузишган бўлса энди бу тадбир имтиҳондан кейин ўтказилади. Бу ўз навбатида энг юқори савияли талабаларимизнинг бюджет ҳисобидан таълим олиш имкониятини яратади. Албатта, таълимни юксалтириш йўлида профессор-ўқитувчиларнинг моддий шароитларини мунтазам яхшилаб бориш ҳам катта аҳамиятга эгадир. Олий ўқув юрти ҳар бир талаба учун иккинчи уйи оиласидир. Ўз оиласидаги меҳр, ғамхўрлик бизнинг даргоҳимизда ҳам барқарор бўлишига ҳаракат қилишимиз зарурий бурчимиздир.

2. Мустақиллиқнинг ет-

тинчи йилини Сайёрахон иккимиз етти набира даврасида нишонлашимизни айтмоқчиман. Бу йил уларнинг учтаси: Ферузахон, Мухаммадиёр ва Шахнозахонлар етти ёшга тўладилар ва мактаб оstonасига қадам қўядилар. Бу воқеа албатта ўғилларимиз Алишержон ва Ҳасан-Ҳусанлар, шунингдек келинларим Лолаҳон, Гулнораҳон ва Башорахонлар учун жуда қувончли ва масъулиятли воқеадир. Сайёрахон билан биргаликда Америка ва Япониядан катта таассуротлар билан қайтдик.

3. Ҳаёт ҳар бир инсон учун берилган олий неъмат. Ҳаммамиз бу дунё учун ўтқинчимиз. Ҳеч ким унга устул бўла олмайдми. Биз аввалги аждодларимиз қолдирган меросдан баҳраманд бўлаёпмиз, аммо ўзимиз кейинги авлодга нима қолдирмоқдамиз? Келажақ авлод яхши яшаш учун ҳаракат қилишимиз, уларни ўқитиш, ўқитганда ҳам энг юксак талаблар даражасида билим бериш, тўғри йўлга бошлаш керак.

Дамин АСАДОВ,
Тошкент Педиатрия
медицина институтини
ректори, тиббиёт
фанлари доктори,
профессор



ясади. Фарзандларимиз онгу шуурида эркинлик тушунчаси шаклланди. Қадриятларга бой миллий тарихимиздан ўзимиз излаган саволларга жавоб топиш имкони туғилди.

Буюк келажаққа муносиб замин яратилмоқда, десак муболага бўлмайди.

Ҳар бир оила мисоли бир кичик давлат. Ўз ҳокимияти, ўз қонуниятлари бор. Ана шу давлатчанинг соғлом, баркамол фуқароларигина Ўзбекистон келажагини буюк, ўз халқининг ҳаётини фаровон қила олади. Ана шу маънода Президентимизнинг 1998 йилни «Оила йили» деб эълон қилишлари мени қувонтирди.

3. Ернинг ҳар буржида одамлар гоҳо.

Менга ўз тилимда сўзлар гумон йўқ.

Ернинг ҳар буржида ўзбек бор, аммо

Дунёда бошқа ҳеч
ЎЗБЕКИСТОН йўқ.

Деган эди шоир Мирзо Кенжабек. Ана шу юрт меҳри мени ҳамиша узиға тортиб туради. Кун сайин улғайтган фарзандларимни юртимга таянч, керак бўлганда қалқон бўла оладиган баркамол инсонлар бўлиб улғайишларини истайман. Шу эл, шу Ватан бизнинг ният ва орзуларимиздан равнот топаверсин.

Мингтилла НАЗАРОВА,
Наманган райони
«Мингтилла» хусусий
корхонаси раҳбари

ИСТИҚЛОЛ ШАБАДАСИ

ЎҚИШ ЭМАС,
ЎҚИШ ЭДИ

Сиддик ота Худайберганов. Тошкентдаги 28-ўрта мактабнинг собиқ тарих ўқитувчиси шундай ҳикоя қилади:

— Бутун умрим ўрта мактабда тарихдан дарс бериш билан ўтди. Раҳматли дадам анча саводхон эдилар. Қўпичча иккимиз уйда ёлғиз қолганимизда, шурулар давлати отамни талайгина молларини босиб олиб, уларини қўлоқ қилмоқчи бўлганида турли шаҳарларга қочиб, жонлари омон қолгани ҳақида саотлаб сўзлаб берарди.

80-йиллардан Ўзбекистондаги барча ўзбекча ўқитиладиган мактабларга юқоридан буйруқ берилиб, ҳафтанинг ҳар шанба кунини рус тилида гаплаши қондаси киритилди.

Ҳадиксираш шу даражада эдики, ўқитувчилар хонасида 3-4 та ўзбек ўқитувчи туғланишиб турган бўлсак эшик очилгудек бўлса, билсак-билмасак бир-биримиз билан урисча гаплашиб қолардик. Мактабда иқтидорли ўқувчилар куп эди, уларнинг берган тўғри саволларига ақл ва адолат юзасидан ҳаққоний жавоб бериш урнига жержи ташлашгача бориб, бундай доно шурулар давлати ер юзиде йўқлигини жон куйдириб тушунтириб берар эдик.

Айниқса пахта терими, қишлоқ хўжалигига ўқувчиларимизни жалб қилиб утилмаган дарсларни ўқитилди, деб ҳисоботлар бериш ошқора бўлиб кетган эди.

Нима қилай, ҳаёт ширин нарса экан. Шурулар партияси қандай топшириқ берса, бошқа ўқитувчилар қатори адо этишдан бўлак чорам йўқ эди.

Мустақиллигимизнинг лоақал бир кунини отам раҳматли курганларида эди, нақадар қайта бахтини туйган бўладилар.

Мен, мустақил давлатимиздаги барча ўқитувчиларимизга «Сиздан таълим олаётган барча ёшларимиз аввало ўқишни ургансин», дейишни истар эдим.

БУЮК АРАФА ҚУВОНЧИ

ОЗОДА ҚИЗИМИЗ МАКТАБГА БОРАДИ

1991 йил 1 сентябр кунини бизнинг оилада хурсандчиликка яна хурсандчилик ва байрам қўшилди. Сабаби кенжа қизимиз дунёга келди. Шу фарзандимизга исм қўйишда анча-мунча уйландик. Куп маслахатлар бўлди. Биз оиламиз каттаси — меҳнат фахрийси, уруш қатнашчиси, хурматли отамиз Турдимурод Тошевдан маслаҳат олдик. Отахомимиз айтиди-ларки, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка чиқди, озодлик бўлди, шунинг учун фарзандингизга Озода деб исм қўйинглар. Шу кундан бошлаб кенжа қизимизни Озода деб атадик. Мана Озода етти ёшга ҳам кириб қолди. — Республикамиз билан тенгма-тенг юрибди У бу йил мактабга қадам қўяди.

Ёшидан мақсад — вилоятимизда, республикаимизда бизнинг фарзандимизга ухшаб мустақиллигимизга тенгдош фарзандларни бор оилалар билан танишиб узаро алоқа урнатсак, дея орзу қиламиз. Қизимизни ҳақиқий инсон — Ўзбекистоннинг муносиб фуқароси этиб тарбиялаймиз. Ишонимиз, умид қиламизки, фарзандларимиз бизнинг ишимизни давом эттирибгина қолмай, балки пойдевори мустаҳкам Ўзбекистоннинг довуригини, обрў-эътиборини осмон қадар баланд кутарадилар.

Жўрзевлар оиласи,
Тошкент вилояти,
Қуйи Чирчиқ тумани Пахтазор
маҳалласи.



Сухбатдошимиз Жиззах вилояти, Жиззах тумани хотин-қизлар кўмитасининг раисаси Инобат Мелиева.

— Инобат опа, теварак-атрофимизда ҳавас қилгудек, элга ҳар томонлама ибратли оилалар кўп. Лекин умр бир марталик берилган экан мажруҳ, бахтсиз динлнинг биттаси ҳам кўп...

— Тугри айтасиз, «Кушнинг ҳам уяси бузилмасин». Кай бир элатларда, киноларда ажралишлар, ҳиёнат йуллари оддий, жун ҳол ҳисобланса ҳисобланар, лекин бизнинг оилани муқаддас, орийатни эътиқод санаган халқимизда бунга ҳазм қилиб бўлмайди.

— Буларнинг сабаби, баҳоналари деймизми, ҳар қалай шу ҳақда ҳам тўхталсангиз. Айб факат эрларда-микни?

— Аваллар шикоят-аризасининг кўпи бир хил, «эрим яхши ишламайди, Энгимга дурустроқ кийим илолмайман, кечаги гаштақда анави кушимиз кугирчоқдай ясаниб утирди». — Кунда аҳвол шу, — дейди шурлик эр. «Нима қилай, опа, баҳоли қудрат ишляпман, шу хотиним, бола-чақам дустушманнинг ичда кам бўлмасин, дейман. Ахир ҳар кунни маош олиб келолмайман-ку? Кун буйи ишда юриб, ҳориб-чараб келсам, яна шу галва.

Келинг, энди шу ерда жиндай мулоҳаза юритиб кўрайлик. Авл — авлда. У эр-какка нисбатан икки қарра сабрли, қаноатли бўлиши керак. Ишдан чарчаб (иш — ишда, эҳтимол кайфияти бузилиб) келган эрига ҳадеб «йук-йук»дан айтавермай, унинг урнига таскин, далда берса, эр зотининг энг жоҳил, қаттиқ қули ҳам мулоийм тортади. Уйдан фароғат, ором топади, уйига талпинади.

— Демак, асосий сабаблар аёлнинг эр кўнглини тушунмаслигида деб биласизми?

— Йук, мен бари айб авлларда демокчи эмасман. Кейинги 4—5 йил янда баъзи эркаклар ажралишлар учун янги бир нагмани чиқарганлар. Гарчи, эскиндан «Алифни калтак ҳам тушунмасида, узларича «Шариатда туртгагача хотин олмақ мум-

Хотин қизлар кўмиталари ҳаётидан

кин деган қоида бор экан», дея узларининг ҳиёнатли, ҳаром йулларини никобламоқчи бўладилар. Утган йили «Жилли-гул» маҳалласидан бизга ва ФХД бўлимига бир эр-хотин келганди. Эри «Мен бу оилани ҳам, у оилани ҳам боқа оламан», деб билган йулидан қайтмаслигини билдирди. Уша «саҳоватли» эр бугун бедарак йуқолган. Энди икки аёл ҳам уни алимент илнжиди излаб юрибди.

СУЛАЙМОН ТАХТИДА ЯШАНГ

«Нега ажрашмоқча бўлаяпсиз», — дедим боғина қабулмига келган эр-хотиннинг эрига. «Хотиним узиға қарамайди, уйда кир-чир кийимларни кийиб юради, румолини бостириб олади. Биз эркаклар гузаллик шайдосимиз», дейди катта кашфиёт қилгандай баланддан келиб. Авлга шундай зеби зийнатлар, пардоз анжомлари олиб берганлигини сурайман. Жим... Баъзи ҳолларда эса қайнона-қайноталарнинг ёш оилага мавруд-бемавруд аралашуви ҳам оила бузилишига олиб келмоқда. Шулардан қуриниб турибдики, бу тахлитда кўпчилик ёшлар тугул оналарнинг ўзи қайнона, оталар қайнота булмоққа тайёр эмас экан.

— Утган йилдан бошлаб маҳалла — гузарларда, ўкув даргоҳларида халқ билан юзма-юз учрашувлар ташкил этдиларингиз...

— Ҳа, уйлаб қарасак оила ҳақида оила қурмасдан олдин, балоғатга етаётган ўсмирлик чоғлариданоқ бошлаш керак экан. Бир неча жамоаларда, мактабларда «Ҳаётга тайёрийсан, қизгина», «Аёл ва экология», «Балоғат оstonасида», «Ҳадемай, келин бўласиз», «Сиз қайнона бўлдингиз» каби мавзуларда мулоқот қилдик. «Энг ибратли келинчак, «Энг ибратли оила» туман миқёсидаги қурик-танловлар ўтказдик. Ҳамма учрашувларини факат бизнинг хотин-қизлар кўмитаси эмас, туман ФХД бўлими, «Соғлом авлод учун» жамғармаси билан биргаликда олиб борапмиз. Одамзод бир умр урганиб яшайди. Бизнинг узимиз ҳали ёшмиз, айтган

гапларимизга биров ишонса, биров ишонмайди деб, уша маҳалланинг энг обрули кексаларини, аҳил-тотув оила бошиқларини, имом-хатибларини ҳам тақлиф қилаяпмиз. Яхши ният билан қилинган хайрли иш зое кетмас экан. Ажралишлар 1996 йилга нисбатан кескин камайган. Ажрашмоқчи бўлиб ФХД бўлимига ариза берганларнинг 37 нафари аризасини қайтиб олди. Ҳаттоки, суд орқали расман ажрашган 12 нафар оила хато қилганини, адашганини англаб қайта никоҳдан утишди.

— Инобат опа, оилангиз, фарзандларингиз ҳақида ҳам билгимиз келаяпти?

— Умр йулдошим Сухроб Сатторов, физика-математика фанлари номзоди, олим. Угилмин Сатторов 11-синфда ўқийди, 10 ёшдаёқ компьютер дастурида ишлашни урганган эди, кейинроқ айрим фирмаларнинг, корхоналарнинг компьютерга боғлиқ юмушларини бажариб, озми-кўп пул топиб келадиган бўлиб қолди. Қизим Шоҳидан оқтидорли болалар мактабиди ўқийди, мусика тугарагига қатнашади.

— Муаззам кун олдин тилақларингиз.

— Қўпича учрашув чоғларида шундай савол беришади: «Бахт нима, опа? Бир-бировингизга бўлган ишончда, минг бир умидлар билан яшайтган тинч уйингизда, дегим келади. Минг йиллар муқаддам тошларга ёзиб кетишган: «Биринчи бахтим — Сулаймон тахтим, кейингиси эҳ, сувларга оқдим...» «Талоқ» сузидан ҳатто Аллоҳнинг тахти ларзага келармиш. Ажралиш куйини чалмангиз дейман. Бу куйини бири кам, номард дунёда фалокат туфайлими, ажалнинг совуқ, туймас кўзлари туфайлими гоҳо тақдирнинг ўзи чалаётгани ҳам етар. Сиз углингизни, қизингизни суйиб, ишқ билан, мавриди келганда жаннатий рашк билан йилнинг турт фаслида ҳам севиб-севилиб яшанг, дегим келади.

Сухбатдош:
С. БОБОУРОВА.

Истиқлол ва аёл

«ЎРИКЗОР» — РАЪНОЛАРИ

Урикзорда маҳалла бунёдига келди. 1990 йил 16-сентябр кўни Акмал Икромов ҳокимиятидан вакиллар бориб, маҳалла ташкилий кўмитаси тузилди ва Раъно Қосимова кўпчилик овоз билан сайландилар. Шу-шу опа ҳали маҳалла, ҳали қурилишда қолиб кетадиган бўлди.

Раънохон шу кунларда учинчи мавзёга каналлация ўтказиш, АТС тушириш ишлари билан банд экан. Аранг топиб гаплашдик.

— «Кеч қолсангиз, турмуш уртоғингиз нима дейди?», — деган саволга Раънохон кўлиб қуйди: «Акангиз ҳам менинг ишларимга қўниқиб кетганлар. Тушунадилар. Фақат ҳар нарсаси асабингни бузаверма-да», деб ҳам қўядилар». Раънохоннинг оилалари билан қизикаман. Бу аёлнинг турмуш уртоғи ким, фарзандлари ким? Раънохоннинг бош эгалари Эшқор Қулбоев 30 йил шахар ижрокумида ишлаган. Ҳозир нафақада. Беш ўғил, бир қизлари бўлиб, барчаси олий маълумотли.

Шундай авллар бўлади, одамнинг мавзёга, кийинишига, фойда тегадими, йуқми, шунга қараб муомала қилади. Бу Раънохон беназир инсон! Ундан оналиқни ҳам, бекалиқни ҳам урганса бўлади. Қани энди барча авллар шундай бўлса, Раънохон! Биз у киши билан давлат дастури асосида маҳаллада олиб борилаётган ишлардан гаплашдик. Сўнг оила дастури бўйича суҳбатлашдик. Бу йил Оила йили. Мана яқинда оила кодекси қабул қилинди.

— Энди бўёгини Раъно Турсунхужаева, менинг котибам, хотин-қизлар раисасидан эшитинг, — дейди Раъно Қосимова.

Шу лаҳза эшик очилди.

— Раъно опа борми?

— Эшитаман, ўғлим, Қани келинг-чи, нима гап?

Раъно Турсунхужаева йигит билан обдон суҳбатлашди. Йигит уйланаётган экан. Тўй қиламиз деярли. Икки Раъно онани табриклаш учун йигит билан бирга йул олишади. Ичкиликсиз, исрофгарчиликсиз шундай бир тўй бўладики, замонавий тўй мана бундоқ бўлибди, деб маҳал-

ла-қуй баҳо беради. Қудалар ҳам жуда хурсанд бўлиб кетишади.

Қизлар клуби тузганмиз, Мана гузар битди. Хотин-қизлар кенгаши учун алоҳида хона ажратилди. Маҳалламизда Йулдошхужа Иброҳимов бошчилигида оқсоқоллар кенгаши (уни эркаклар кенгаши ҳам деймиз) тузилган. Эркаклар билан ҳар ойда суҳбатлар бўлиб туради, унда йигитларни турмушга тайёрлаш, эркакнинг оиладаги, Ватан олдидаги бурчи, имон-эътиқод ва ҳоказолар ҳақида гап боради, — дейди Раъно Турсунхужаева.

Оналар қизини фотиҳа қилган бўлса, дарров бизга юборинг деймиз ва келинлик бурчи, одоби, қайнотакайнона ҳурмати ҳақида тушунтириш билан бирга пандалиқ, меҳмон қутнигига тайёрлаймиз. Маҳалламизда шундай оилалар борки, улар қизларимизга тикиш-бичиш, пазандалиқни, дастурхон тузатишни, ҳамширалик ва ҳоказоларни бепул ургатишади.

Урикзор маҳалласи жуда катта. Ун мингдан ортиқ аҳолиси бор. Кам даромадли оилаларга моддий ёрдам вақтида берилиб турибди. Маҳаллада ҳар йили «Навруз» ва бошқа байрамлар тантанали ўтказиб турилади. Сумалак, ҳалимлар пиширилади. Буларда маҳалланинг етти яшаридан етмиш яшаригача қатнашади. «Ибратли келин», «Ибратли қайнона», «Ибратли оила» қурик танловлари ҳар йили ўтказилиб турилади.

Қадимдан етим болани маҳалланинг ўзи боққан, тарбиялаган, вояга етказган, бойлари йилантириб қўйган. Ногиронларини, кексаларини ёлғиз қолдирмаган. Боқиб асраган. Ёлғиз боқувчисиз қолган бева аёлларнинг оилалари ҳам эътибордан четда қолмаган. Урикзорда ҳам худди шу узбекона, қадимий анъана ҳамон давом этмоқда.

Икки Раъно ҳар кун шу ерга бир келиб кетишади. Келса арзийдиган жой-да. Киройи маҳалланг бўлса, Урикзордек бўлса...

Қутби НОСИР қизи.

МАСЛАХАТХОНА

ОШҚОЗОН ЯРАСИГА ДАВО

Ошқозондаги яра-чақалар асосан нотугри овқатланишдан, яна баъзиларнинг ҳаддан ортиқ қалампир истеъмол қилишлари-ю, ичкиликнинг оқибати, полз экинларидаги селитранинг таъсири ва шунга ўхшаш нарсалардан пайдо бўлиши тўғриси.

Ошқозондаги кичик, ёки пайдо бўла бошлаган яраларнинг олдини олиш учун икки дона уртамеъна катталикидаги беҳида олиб, уруги ажратиб олинди. Уругини кичик болача ёки пичоқнинг соли билан оҳиста уриб, чақилди. Аммо майдалаб юбориш керак эмас. Беҳи уруги 3 литр сувга солиб аста-секинлик билан сирли идиш, ёки қозонда 2 литр қолғунича қайнатилади. Натижада беҳи уруги қайнатилган сув кiselга ўхшаб қуюқлашиб қолади.

Тайёр бўлган ҳап дори биринчи ҳафтасига уч маҳалдан очроқ қоринга ярим пиеладан, иккинчи ҳафтасига уч маҳалдан бир пиеладан бир ҳафта ичилса ошқозондаги дардлар йуқолади. Парҳез сақлаш лозим, қовурма овқатларни вақтинчалик ейиши мумкин эмас. (Мисол учун бир ко-са паловнинг учдан бирини). Беҳи уругидан тайёрланган доривор яхши сақланган ҳолда йил, ун икки ой ҳоҳлаган пайтида истеъмол қилиниши мумкин.

С. МУРОДОВ.

ШҲ СҲО СЯБОҚЛАРИ

СУТ

Сигир сутига асал қўшиб ичилса, ички яралардан қуюқ хиллардан тозалайди, енгиллаштирида ва ювади.

Сут бадандаги қичималарни йуқотади

Оғиз сутига баданга суртилса, сепкил ва доғларни кетказида. Гоҳо ичилганда ҳам шуларга фойда қилади.

Эчки сути томоқдаги яраларни даволайди.

Эчки сути йуталга, сил ва қон туфлашга фойда қилади. Сут упка яраси ва силга қарши ишлатиладиган дорилардандир.

Оғиз сути сариқ касалига фойдалидир

Сутни орқа тешик ишлари ва яраларига қовиқ устидаги иш ва яраларга қўйилса, фойда қилади ва шу аъзолардаги оғриқни босади.

МҮМИЁ

Чиққан, синган, йиқилган ва урилгандаги оғриқларга, фалажга ва юз фалажига қарши ичирилади ва суртилса ҳам фойдалидир

Тутқаноқ ва бош айланишни тўхтатади. Бунинг учун райхон суви билан бурунга томизилади.

Қулқудан йиринг оқишига қарши бир арпа дони микдориди мўмиёни гул ёғи ва гура узумнинг суви билан қўшиб пилик билан ишлатилади.

Мўмиёнинг уч арпа дони микдоридигиси ўткир шароғига солиб ичилса, ўпкадан қон туфлашнинг олдини олади.

Томоқ оғригидан тўт шинниси билан ёки ясмиқ қайнатмаса билан ичилади.

Мўмиё сийдик йўлидаги ва қовуқдаги яралар учун фойдалидир.

С. САИДАҲМАД тайёрлади.

Оила муқаддас. Агар таъбир жоиз бўлса, оила жамият ичидаги жамиятдир. Жамиятимизда бор қонунлар унда ҳам бор, фақат бошқачароқ. Оила қуриш учун ҳар бир киши аввало бор, ҳам моддий, ҳам маънавий томондан тайёр бўлмоғи лозим. Бир донишманддан сурдилар: «Уйланиш нима?» У жавоб қилди: «Уйланиш — эркин юрган одамнинг қудуққа тушиб кетишидек гап».

Ҳа, донишманд ҳақ, кенг жойда хоҳлаган ишини қилиш мумкин, сакраш ва ҳоказо. Лекин қудуқда қулочни ёзиш ҳам амри маҳол.

Турмуш сабоқлари

чи, уйланган йигитни элликка киргунча отаси, элликдан кейин фарзандлари боқади-ми?!

Ҳозирги кунда аксарият ёш оилаларда шу муаммони қурасиз ва бунинг учун фарзандлар эмас, ота-оналар қуроқ айбдор эмасми?

Энди иккинчи масалага ўтамиз. Бугунги кунда севишиб турмуш қуриш авж олмоқда. Лекин улар тинч-тотув яшаб кетишмоқдами? Мен икки оилани биламан. Бир, севишганлар, иккинчиси ота-она розилиги билан турмуш қурганлар.

Севишганлар оиласида

ҚУДУҚДАН ЧИКИШНИНГ ЙЎЛИ

Буни ҳаётда таққосланг. Буйдоқлатда қилган ишларни энди қила олмайсиз. Уйланиш сизни сермуҳожаза, ҳар ишинг орқа-олдини уйлашга мажбур этади. Чунки энди сиз фақат узингиз учун эмас, балки зурриёдингиз учун ҳам яшашга мажбурсиз. Демак, сиз қудуқдасиз. Лекин аксарият ёшларимиз буни тушуниб етмайптилар, шунингдек, оталик бурчини ҳам. Нима учун? Ҳали уларнинг узлари бола бўлса-чи?

Ҳозирги вақтга келиб ота-оналар фарзандларини 17-18 ёшда, ҳатто 16 ёшда ҳам уйлантиришмоқда. Демакки, мажбуран уз фарзандини қудуққа тикишмоқда. Хуш, бу ёшда фарзанд қудуққа тушишга тайёри, йўқми, деган савол тугилди. Узингиз бир уйланг, усмир айни ўқиш, билим олиш ёки бирор ҳунар танлаш урнига уйланса. Никоҳдан кейин оила ташвиши бошига тушади. Бу юкни у кутара оладими?

Уша донишманддан яна сурашди: «Қудуқдан чиқишнинг иложи борми?». «Бор, агар қудуқ оғзига тош қуйилмаса». Сурашди: «Қандай тош?». «Ҳар бир туғилган фарзанд қудуқ оғзига қуйилган битта тош, фарзанд неча бўлса, тош ҳам шунчадир».

Донишманд ҳақ, фарзанд тугилгач, у улғайган сайин отанинг ташвиши ҳам қулайиб боради. Қудуқ оғзига тош қуйилгач, демак, торликча қоронғилик ҳам қушилади. Натижада тажрибасиз киши қудуқ деворига бошини уриб олиши табиий. Ҳаётнинг аччиқ-чучуқларини тотиб қурмаган ўсириш бундай тўқунликда оилани сақлаб қоллишга қурби е етади, е етмайди. Бориники, бу ёш оила ташвишларининг бир четини ота-она кутарар ҳам, масалан, ота ҳеч қаерда ишламайдиган, қулида ҳунари йўқ ўғлига қушиб келинини ҳам боқади. Бошқа нима қилсин, бор орзу-умиди шу бўлса... Ёшлардаги боқимандалик кайфияти шундан келиб чиқмасмикан? Ота-онани эса бир умр боғлаб бермаган, бу ёғини уйлаш дахшат. Қўйинг-

тез-тез жанжал. Арзимаган майда-чуйда, иқир-чиқирлар учун гурбат бошланади. Уларда аввалги муҳаббат қани? Муҳаббат сароб. Лекин иккинчи оилада бундай ҳол деярли бўлмайди.

А. Чехов дейди: «Севиб уйланишнинг фақат гашти бор, бирор қизга қадди-қомати келишгани учун уйланиш, бозордан кераксиз бўлса ҳам қизга қўриган бўюмини сотиб олиш билан баробар»... Донишманддан сурашди, «қудуқ оғзига тошларни олишнинг иложи йўқми?» Донишманд деди: «Бор, унинг узига боглик, агар тошларни кутариб ташлашга куч топа ола, лекин кўп заҳмат етар».

Донишманд нима демоқчи? Агар қудуқ шароитига, яъни оила ташвишларига чидай олма, ундан чиқишни истоган киши фарзандидан воз кечади... Бу эса қалбида бир умр оғрик бўлиб қолади. Ҳозир аксарият ёшлар ёхуд севишганлар келгусидаги оғриқни уйламай «тошларни кутариб ташлаб», «қудуқдан чиқиш кетмоқда». Оғрик эса бир умр қолади ва ёши уган сайин кучая боради.

Ҳақиқий севишганларнинг қалблари айри, лекин истаги битта. Умуман никоҳ остонасидан ўтган жуфтлик маънавий олами битта бўлган шахсга айланмоғи лозим. (И. Кант).

Хуш, бу мулоҳазаларни ёзишдан мақсад нима? Мақсад ота-оналар фарзандларини уйлантиришдан аввал уйлаб курсалар; яъни фарзандлар «ола хуржун-га қуника оладими, узини тутиб кета оладими? Севишганлар эса аввал ота-она розилигига қараб, бир-бирининг феъл-атвориини обдан синатиб, кейин турмуш қуришса. Шунда бузилиб кетган оилалар сони кескин камайган бўлармиди. Эеро, «Яхши хотин билан яшаш — ҳаёт буронларида сенга бир паноҳдай хизмат қилса, ёмон хотин билан яшаш қулбандга кутарилган бурондай гап»...

А. МУХТОРОВ

ҲАЛИ АЗОБЛАРИ СЛАЙНДА...

«Кунларнинг бирида...» танловига

Каримжон билан севишиб, ота-оналаримизнинг розиликлари билан турмуш қурдик. 2 қиз ва уз ўғлимиз бор. Узим мактабда ўқитувчиман. Каримжон фабрикада директор. Турмуш уртоғим директор бўлгани учун фабриканинг барча ташвиши унинг елкасига, у кеча-ю, кундуз тиним билмай ишлади. Иш қулайиб кетганда ёки комиссия келганда у уйга жуда кеч, ярим тунда, ҳатто тонг саҳарда ҳам кириб келади. Иши қўлғигидан оила аъзолари билан бирга суҳбатлашиб ўтиришга, ҳатто бирга овқатланишга ҳам вақти бўлмас эди. Ҳа, унга қийин, шундай катта фабрикани бошқариш осонми?

Бу қийинчиликлар унинг муомаласига ҳам таъсир қилди. У ҳаммамизни, ҳатто уз онасини ҳам жеркиб гаплашадиган бўлиб қолди. Буларнинг ҳаммасини унинг иши қийинчилиги, фабрикада хилма-хил муаммоларнинг қўлғигига йўқардим.

Лекин кунларнинг бирида... Уша кунни мен, қизларим ва ўғилларим билан биргаликда эртага бўладиган хотин-қизлар байрамига тайёргарлик қурдик. Ҳаммамизда байрам руҳи ҳукмрон. Биримиз овқат, биримиз бошиниқлар пиширамиз, бошқамиз уй ва ҳовлиларини тозалаймиз. Шундай қилиб, кунини қандай қилиб ўтиб, кеч кирганини сезмай қолдик. Дадамиз эса ҳамон ишдан қайтгани йўқ. Усиз кечки овқатни ҳам едик, дарс тайёрладик, телевизор қурдик. Вақт алламаҳал бўлди. Болалар ухлаб қолишди. Мен ҳам турмуш уртоғимни уз вазифасини сидқидилдан бажаришини, унинг олдида қанчадан-қанча қийинчиликлар, муаммолар турганини ҳис қилиб ухлаб қолдим.

Ухлабман-у, аллақандай галати тушлар қуриб қўчиб уйғониб кетдим. Шу пайт дадамиз бир оёғи оқсоқлашиб уйга зўрға кириб келди. Уни бундай ҳолатда қуриб жуда ҳам қўриқ кетдим. Нима бўлганини сурасам, — уйга келаятиб қоронғида йиқилиб тушдим, — деди. Бу нохуш хабардан фарзандларим ҳам уйғониб кетишди. Ҳаммамиз кечаси билан дадамизга керакли доридармонларни қилиб унинг атрофида парвона бўлдик. Эрталаб докторга олиб

бордик. Унинг бир оёғи ва қули синган экан, гипс қилиб қўйишди.

Лекин менинг юрагим хижил. — Нега йиқилдиккин? Қаердан йиқилдиккин? — деган саволлар мени тинч қўймасди. Кейин унинг лой бўлган шимини юваятиб чўнтагида пайпоғи билан ички кийимни борлигини қуриб қолдим. Ҳар хил ҳаёлларга бордим. Узимни қўярга жой тополмай қолдим. Бу ерда бошқа гап бор! — деб уйладим. Кейин суриштириб билсам уша кунни хужайиним бир аёлнинг уйига кирган экан. Ана шу учрашувнинг устига аёлнинг командировкада бўлган эри қутилмаганда келиб қолибди. Шунинг учун у нима қилишини билмай, апил-тапил кийиниб 2-қаватдаги уйнинг деразасидан қочиб учун узини ташлаган экан...

Бу гапларни эшитиб жонсиз ҳайкалдай қотиб қолдим, азёси баданимдан муздай тер қиқиб кетди, тилимда фақат «нахотки, нахотки, нахотки» деган сўз такрорланарди ҳолос.

Нахотки мен севган, ишонган, ҳурмат қилган инсон қизларимни узатаман, угилларимни уйлантираман, деган пайтда менга хиёнат қилса! Қизларим, угилларим, ота-онам, қариндош-уруғларим, маҳаллақуй, ёр-у биродарлар олдида қандай бош кутариб юраман энди! Узи-чи? Нахотки буларни у уйламади. Ҳеч бўлмаса узининг обрў-эътиборини, ҳурматини йўқотишини, бир кунмас бир кун сирини очилишини нахотки уйламади.

Ҳа, мен уша унутилмас 8-март Халқаро хотин-қизлар байрами кунини дама шундай «совға» билан тақдирландим! Унинг уйга кеч келишини, оила аъзолари билан суҳбатлашиб ўтиришга, ҳатто бирга овқатланишга ҳам вақт топа олмаслигини, бизни жеркиб, жаҳл билан гапиртишини сабабини энди тушунидим ва мен жонсиз сурат ҳолига келиб қолдим. Энди у билан ҳеч қачон яшамаслигини, бу уйдан бутунлай кетишини айтдим. Лекин у тавба-ю тазарулар билан бир неча бор кечирим сураси. У бировларнинг, қолаверса, ана шу аёлнинг гапига кириб мана шу ишни қилиб қўйганидан пушаймон эканлигини айтди. Ота-онам, опа-укаларимнинг маслаҳатлари билан фарзандларимни уйлаб уз уйимда менга хиёнат қилган

одам билан бирга қолдим. Уша кунлари ишга ҳам боргим келмай, кучага ҳам чиқгим келмай қолди. Одамларнинг қўзига қарамайла қолдим. Ҳамма, ҳатто ўқувчиларим ҳам менга уша воқеани эслатаётгандай бўлаверишди. Бўлиб ўтган ишларни унуттишга ҳаракат қилдим, лекин қандай унутиб бўладим?

Унинг оёғи ва қули 6 ой деганда зўрға тузалди. Мана шу 6 ой ичида менинг назаримда у 6 йилга қаригандай туюлди. Чунки унинг қилган ишидан пушаймонлиги юз, қуздан қуришиб турарди. Мана шу 6 ой ичида, менимча, ҳаёт уни қайта тарбиялади! Унинг ҳаммамизга бўлган муомаласи яхши томонга узгарди. Энди ишга уз вақтида бориб, уз вақтида келишни одат қилди, уйдаги баъзи юмушларни бажаришга ҳам улғурадиган бўлди.

Ҳа, уша 8-март кунига ҳам, олган «совға»га ҳам 3 йил бўлди. Ҳар йили ана шу байрам кунинда юрагим ларзага келади, ҳаёлимдан уша кунни турмуш уртоғимнинг «совғаси» утади. Уша кунни эсласам ҳам изтиробга тушаман, ҳам уша кундан миннатдор бўламан. Чунки уша воқеа бўлмаганида турмуш уртоғим қайтиб бўлмас ёмон йўлга кириб кетармиди, балки... Худога минг шукр! Худойимнинг узи уша воқеа сабаб қўзи қўр одамни қузини очди, адашганини тугри йўлга солди. унга садақат билан хиёнатни, ҳалол билан ҳаромни, савоб билан гуноҳни, яхшилик билан ёмонлиқни бир-бирдан ажратишини, меҳру оқибатни, оро номусни, тўғрисузликни, ҳар бир қадамини билиб босишини ургатди. Илоийм унинг тугри йўлга киргани рост бўлсин!

Лекин мен бир нарсга ҳайронман: бошида эри бор аёл пул ишлаш мақсадида бировнинг эрини йўлдан узма, бундай нопок ишни узи-га касб қилиб олса, тинчгина яшаётган оила тинчгина бўлса, унинг эри қандай эркак экан-ки, буни сезмаса, бу йўлдан қайтармаса? Уша аёл эри билан ажрашиб бошқа шахарга кетиб қолди. У бу дунёнинг жазоларидан осонгина қўтулди, лекин нариги дунёда уни қандай азоблар қутаётганини билармикин...

РАҲНО

РАВШАНЖОНГА АЙТМОҚЧИМАН-КИ...

Газетанинг 27-сонига «СОҒИНЧ» рубрикаси остида ёзилган «Отанинг исми Раҳимжон экан» мақоласини ўқиб, ушбу хатни ёзишга жазм этдим.

Равшанжон ўғил бола ота уруғининг давомчиси

ҳисобланади. Сен елгиз угил экансан. Отанг қариялар уйида экан. Сен қариялар уйига бориб, дастлаб, отангни, тарбиялаётган тарбиячига учраш, унга бор воқеани тушунтир. Шундан кейин бутунлай меҳро-оқибатдан

Акс садо

айрилган отанг билан суҳбатлаш. У кишига Раҳимжон Равшанжон эканлигини ва отанг уруғи давомчиси эканлигини яхшилаб тушунтир. Ана шу вақтда отангдан ҳам меҳро пайдо бўлиб, ярашиб кетарсизлар.

Т. СУННАТОВ

«Кунларнинг бирида...» конкурсига

Ота уйимга /гарчи узлари оламдан утиб кетишган бўлсада/ боргим келаверади. Кайтмай кетган болалик билан дийдорлашиб менга хуш ёқади. Бироқ бораверишдаги торгина куча ҳар доим менда нохуш хотираларни уйғотади...

Кучанинг икки чети қатор уйлар. Бири гулчин, бири темир ёки оддийгина, тахталарни бириктириб ясалган куча эшиклар. Ҳовли деворларнинг баландлигидан ичидаги дарахтлар зурга куринади. Унсин ҳоланингилдизигина ҳовлида, бор бўйи кучада ўсган уригини айтмаганда, олисдан савлат тўкиб турган масжид садасидан бошқа яшиллик кузга ташланмайд.

Дарахт онгсиз мавжудод эканда, қаёққа қараб ўсиш кераклигини билмайди. Унсин ҳоланинг экинларга соя солмасин учун ҳовли четига эккани-урик, бахтга қарши ҳовлидан кура кўпроқ кучага қараб шўхлаганди.

Урушдан кейинги оч-наҳор кунлар... Отам бизни савдогарлик билан боқар, бу гал ҳам навбатдаги сафарларидан ҳали қайтмаган эдилар. Мактабдан келган, югуриб уйга қирдимда, турри бориб нон салинадиган сандигини очдим, нон йўқ. Ота-онамнинг етти боладан кейин турган ёлғиз арзанда-си бўлсамда, эрка-тантиқ эмас эдим. Онамга ортиқча хархаша қилмай, уртокларим билан уйнаш учун кучага отилдим. Қорин оч бўлса уйим ҳам ёқмас, «татимас» экан. Тўпшо уйнағимиз-у кўзим йўлда... Умидсиз илинх билан дадамнинг йўлларига қарардим. Шом ҳам бе-

шафқат бостириб кирди. Болалар «уй-уйлик, қапа туйлик» қилиб бирин-кейин кетишди. Мен ҳам уйга қирмоқчи эдим-у... Онамнинг ноилоҳлиқдан жавдирлаган кўзларига қараш азоби мени қийнади. Уни нима биландир хурсанд қилишни хоҳлаб қолдим. Уйда егулик на нон, на бирор ёвгон бор.

Юзимга томган шур томчилардан, онамнинг уксиб-уксиб, унсизгина қилаётган ноласидан узимга келдим. Очлик, устига устак калтак захми қийнабми, ҳолсизгина инграндим-«нон». Онам ўқириб йиғлаб юборди. Лекин, шунда ҳам на Унсини ҳолани ва на ҳукуматни қаргади.

Отамни Хайдар Амин, деса етти қишлоқ танирди. Топиш-тутиши яхши, лекин битта нон топсак, қўшни билан бўлишиб ер эдик. — Қўшним

Шу пайтда онамни нима хурсанд қилишни ич-ичимдан ҳис қилардим. «Хозир дадам келиб қолсалару, бу хабарни биринчи бўлиб онамга мен етказсам», — деган уй билан кўча бошига чопиб кетдим.

Анча утирдим. Қорним эса ит тирнагандай, борган сари ҳолим қуриб борарди. Шамол Эсибми, гарқ пишган урик ҳиди димоғимга урилди. Очлик ғолиб келиб, шундоққина тепамадаги гул-гул /чулки, бола-лар уни қоқиб, ейишга кинна-чи-Унсин ҳоладан қўрқинларди/ пишган урикка қараб тош отдим. «Гув» этиб ун-ун бешта урик тукилди. Ҳаммасини териб олишга сабрим етмай, қулимга илашган биринчи донаниёқ оғзимга солдим. Хидини сездим, таъминни туйман туриб, қаттиқ калтак зарбидан эсим оғди. Олтимышларга кирган Унсини ҳола юз-қўзим, демай савалаб кетди. Элас-элас эслаганим пойимдги Ернинг чирпирак бўлиб айланайтгани, оқ илондай тўлганган узун, сппоқ сочлар...

оч утирса, мен тукин-сочин утира олмайман, — дер эдилар.

Отам сафардан қайтган, танитай қилганини айтиб Унсини ҳола бир товоқ урик кўтариб чиққан эди. Аввалига қилган гуноҳим учун бошим ҳам эди, узимни айбли санаб эдим. Бу ҳолни қуриб... Ушанда илк марта юрагимда нафрат тугилган эди. Бошқа бола бўлганда ҳам... Ахир уларнинг отаси Хайдар Амин эмас-ку...

Отам ҳам ушанда арзан-дасининг ёнини олиб, уч ўлини ерга берган онамнинг кунглини вайрон қилишга ботина олмаган эди.

Хозир ўзим олтимышдан ошдим. Бизнинг ҳудди ушандай ўсган уригимиз бор. Уғил-қизларимиз, неваларимиз териб ейишса, мен ҳам, дадаси ҳам, — бу шохидан енглар, у шохи кучадаги болаларники», — деймиз.

Турсуноى ТУРҒУНОВА,
Чортоқ шаҳри.

Маслаҳатхона

ЎЗИНГИЗГА ИШОНИНГ

«Бир оғиз суз кўп, яримтаси оз», деганларидек баъзида арзиган-арзмаган ҳолларда асаб бузарликларга дуч келамиз.

Муомала ва муносабат-кайфият, табассум, ҳамкасб ёки биродарларимизнинг исм-шарифини аниқ ва тўлиқ айтиш, узгалар фикрини тинглай билиш, суҳбатдош кўнглига йўл топа олиш каби тамойил билан белгиланади.

Шекспир таъбири билан айтганда, «яхши ёки ёмон тушунчаси нарса ва ҳодисалар бўлган муносабатимизга боғлиқ.

Келинг, аввало кайфият ҳақида гаплашайлик.

Биласизми, ҳар гал уйингиз оstonasi хатлаб, кўчага чиқаркансиз, барча салбий уйларни кўнглингиздан соқит қилинг, ўзингизни экин ва хотиржам тутинг, субҳидан ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олинг. Қаранг, тонг қуёши гўёки қалбингиздан нур сочаётгандек бўлаяпти. Йул-йўлаккай учраган қўни-қўнилар, ёр-биродарларга очик хейра билан боқинг, чин кўнглидан саломлашиб сурашинг. Ана шундай дақиқаларда агар мобо-до илгари орангиздан ит ёки мушук утиб кетган бўлса, дил хиралик юз берган бўлса — ҳаммаси тумандек таркайди, кетади. Бугун амалга оширишингиз лозим бўлган юмушни бажариш учун қомил ишонч билан киришинг. Ўзингиз билган, ҳавас қилган зотлардан бирининг сиймосини кўз олдингизга келтириг, ўзингизни руҳан уша сийратда деб ҳис қилинг. Сиз тақдир қилмоқчи бўлган инсоннинг мардлиги қобилияти, жиддийлиги, собитқадамлигини қалбдан туйинг. Шундай дақиқаларда ўзингизни аниқ ҳис этасиз, елкангиздаги тоғдек муаммо-

лар ечими уз идрок қўлингизда эканлигига ишонч ҳосил қиласиз. Ишонч катта куч-қувват.

Ўзингизга бўлган ишонч ярим кашфийёт эканлигини унутманг. бу сизнинг руҳан тетик ва яхши кайфиятда бўлишингизга тўла асосдир.

Амир Темур ҳақратлари ҳаётларининг энг муаркаб, оғир дақиқатларида ҳам сира тушқунлиқа тушмаганлар. Шу сабабдан ҳам ҳар қандай вазиятдан мушкулотсиз чиқиш кетаолганлар. Бу улуг зотнинг яна бир ҳислати саркардаю, сипоҳларга исм-шарифини айтиб, теранлик билан муножаат қилганларидадир.

Атрофдагилар у кишини ҳеч қачон тунд кайфиятда қурмаганлар. Пирлари Саид Баракка руҳий мададкор, се-викли ёрлари Сароймулхонини маънавий суянчиқ бўлган.

Иқтисодий таанзуулга учраган, маънавий қашшоқлашган АКШ нинг Президентлигига сайланган, фақат ногиронлик аравасида умргуз-ронлик қила олган уттиз беш ёшли Франклин Д. Рузвельт раҳбарлик фаолиятини, фикр юритганимиз беш тамойил асосида бошлаган «Америка — мен ногирон, Американинг бой-бадавлат, буюк давлатга айлантиришда фақат сизларнинг иқтидорингиз, куч-қудратингизга суянаман», — деб бир оғиз муножаати билан бутун мамлакат аҳолисининг қалбига йўл топаолган.

Кайфиятимиз, табассумимиз, ҳамдардчилигимиз, ҳамкорлигимиз билан атрофдагилар меҳрини қозонайлик. Шундангина ҳаётимиз гузал, рузгоримиз фаровон бўлади.

Музаффар МИРЗО

ТУШ ТАЪБИРНОМАСИ

Ё, ТАВЪА...

Маҳалламизда Каримқори ака деган бир киши бўлар эди. У бир неча йил турли лавозимларда ишлаб, пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги кумир омборида ҳам раҳбар бўлган эди.

Бизлар ҳар йили қиш арафасида кумирни уша ердан олар эдик. Навбатдаги кумир олиш пайтида дадам билан биргалашиб Каримқори ака ишхонасига борганимизда, хоналарига олиб кириб, бир пивладан чой ичиб кетишга таклиф қилдилар-да, шу орада ақинда бўлиб утган воқеани дадамларга сўзлай кетдилар:

— Шу хонада утирганимда бир нуруний отахон кириб, ярим тонна кумир жуда заруригини айтиб пулни ҳам тўламоқчи бўлдилар.

Узларини чойга таклиф қилганимда, шовиб турганларини айтдилар. Уша пайтда кумир ташийдиган машинани бир жойга юборган эдим. Машина тушдан кейин бўлишини айтиб, отахоннинг исмлари ва турар жойларини ёзиб олдимда, тушдан кейин кумирни албатта юборишини айтдим. Нуруний отахон дуо қилиб хонамдан чиқиб кетдилар, мен эса кетларидан кузатиб қолдим.

Отахон кетганларидан кейин қандайдир менда эзгарииш бўлгандек бўлди. Ҳамма ишимни йиғиштириб, кумир ташийдиган машина-

мизни кута бошладим. Машина келган ярим тонна урнига негадир бир тонна кумир ортироқчи бўлиб шофёр билан кумир ортиладиган жойга бордим.

Атрофимдагилар менга ҳайрон бўлиб боқишар эди. Ҳар сафар қаерга кумир жунатилмоқчи бўлса, манзилини шофёрга бериб жунатар эдим. Аммо бу сафар отахон айтган манзилга қандайдир куч мени ҳам бирга боришга чорлади. Ниҳоят шофёр билан биргаликда эски шаҳардаги Сағбон кўчасининг бошланиш қўсмида курсатилган уйга келиб, эшикни тақиллатдим. Ичкаридан бир муйсафид чикиб келди. У одам, эрталаб олдимга борган отахондан бутунлай бошқача эди. Мен отахон билан саломлик қилган, кумир олиб келганимни айтдим. Эшик очган отахон ҳеч кимга кумир айтмаганлари ва узлари кумирга жуда муҳтожликларини айтиб, унинг устига кумир олиш учун ортиқча пуллари йўқлигини айтди. Шу манзилга юборган кишининг исми кимлигини сурдилар. Қўлимдаги қорозга қараб, уша нуруний отахоннинг исмларини айтдим. Эшик очган отахон кўзларига ёш олиб:

«Сиз айтган одам менинг отамнинг исми, бундан қирқ йил аввал оламдан ўтган эдилар. Яқинда қурган тушимда отам менга, совуқда қолибсан болам, бироз кутсанг кумир юбораман, деган эдилар. Уша қурган тушимни уша кўниёқ кампиримга айтиб берган эдим», — деди.

Эшик очган отахоннинг сузларини эшитиб яна баданим жимирлаб кетди. Кумирни қаерга туширишини отахондан сурганимизда, у киши ийманиб «Аввал қўш-нилариникига қикиб пул сураб қурай», — деб ён қўш-нилариникига кириб кетаётганларидан, йўлдан қайтариб, — Бу биздан сизга совға, — деб эшик қаршисига кумирни тушириб келдим.

Дадам Каримқори аканинг бу сузларини эшитиб: — Сиз, Хизир бувага учрашган экансиз, табарруқ одамсиз. Иложи борича ҳоҳатма-нд одамларнинг ҳоҳатини чиқараверсангиз бу дунёда кам бўлмайсиз! — дедилар.

С. МУРОДОВ

«01» хабарлари

«ВОЙ БЕЛИМ!»...

Жондор тумани, Довуд қишлоғида яшовчи Х. Муҳамедова тандирга олов ёқишда солярка ишлатмоқчи бўлди. «Зирапча тутати утираман-ми?» — деб уйлаганди-да. Бироқ ҳозир у эҳтиётсизлиги сабабли, бели ва оёқлари қуйиб касалхонада ётибди.

«АЖАБ БУЛДИ!»...

Болаларни ёлғиз қолдириб бўлмаслигини ҳамма билади. Лекин, «Нима бутти, бола-да, уйнаб утиради», — дея уйлаганлар, шурчилик Г. Алимардонова Сирғали туманилиги Каримоваларга ўхшаб чапак уриб қолишаркан. Ёш болалар гугурт уйнаши натижасида ёнгин чиқиб улар катта моддий зарар кўришди.

«АТТАНГ!»...

Ангрендаги 6/4 даҳа 3 уй, 17 хонадонда эса фожия юз берди. Уй жиҳозлари эҳтиётсизлик оқибатида ёниши билан бирга эгалари, Б. Ганиевни ҳам ўз «дом»ларига олишди. Уйнинг эгасидан қоп-қора кумир қолди, холос!

«ЮЗИНИ ҚИЗИТДИ!»...

Ф. Хужаев тумани, Моҳи-Хоса қургон, 9 уй, 30 хонадон соҳиби Ш. Қодиров тандир қизитишни янги усулини синаб қўрмоқчи бўлди. У аввалига солярка ёқиб «юзини қизитмоқчи» бўлди шекилли, жароҳат олиб касалхонага тушди.

«БЕНЗИННИНГ КАС-ДИ»...

Самарқандлик С. Степанян бевақт ҳалок бўлди. Давғателни бензин билан юзмоқчи бўлганди, эҳтиётсизлик туфайли учқундан ут қикиб у фалокатга учради.

Муҳтарам ҳайдовчилар! Бензинни ишлатишда оғоҳ бўлинглар-да, агар бензин сиз билан қасд-лашгудек бўлса, охири шундай воя бўларкан. Степанян ҳам шу ҳолга уйламай иш қилиши оқибатида тушди.

«ЭЛЕКТР СИМЛАРИНИНГ «УЧРАШУВИ»!...

Агар одамлар уртасидаги қисқа учрашувлар қўни-қон дустлик ёки севи билан яқунланса, электр симларининг қисқа туташуви... ёнгин билан тугар экан. Жиззахлик М. Ғози-хонлар ва тошкентлик У. Қорбақовлар ана шундай қисқа учрашувлар натижасида анчагина моддий зарар қуришди.

«ЗАНГОРИ ОЛОВНИНГ «КИЛИШЛАРИ» ҚОРА ЭКАН!»...

Ишонмайсизми? Бўлма са бу ҳақда Шахрисабзлик С. Абборов ва Яқкабғо тумани, Гулистон қишлоғи-лик М. Кенжаева, Ч. Ўбайдуллаевалардан сўра-г. Улар энди жоннинг ху-зури бўлмиш «зангори олов» билан уйлашиб муо-мила қилишади.

М. БЕК. Б. ШАВКАТЛИ

КЕЛИНМИСАН, КЕЛИН

Сахнада ибратли келин бўлиш мумкин, турт-бешта синовга яхшилаб тайёрланса ва ҳакамлар кул-лаб-куватлаб юборса... Тўғри, бўлинг учун ҳам алоҳида-да иқтидор, билим керак.

Лекин ҳаётда ибратли келин бўлиб яшаш осон эмас. Ҳаётнинг синовлари беҳисоб. Баланда-паст йулларида чоғир тошлар куп. Ирода, матонат, фахму фаросат, ақл булсагина бу йулдан дадил бориш мумкин.

Келиннинг қадамларидан ўт чакнаса, уйлари тоза тўтса, лекин қайнонага гап қайтариб, дилини огритса — у ибратли бўлолмайди гарчи сахнада ғолиб чиқса-да. Кирни тоза ювиб, яхши таом пиширсан, меҳмон келганда қовоқ уйса, елиб-юғуриб меҳмонни кутмаса — у дуо ололмайди. Демак, ибратли келин ниятда мукамал инсон бўлмоғи керак.

Езёвон туманига борганимда маҳаллий газетда хабар ўқидим. Хонобод қишлоғида қуриқ-танлов бўлибди-ю, «қум» маҳалласидан ўқитувчи Улмасхон Каримов «Энг ибратли келин» унвонини олибди. Ўйлаб қолдим, ҳаётда ҳам ибратлими-кан? Ҳар ҳолда Езёвон қуриқнинг энг чека қишлоғида шундай тadbир ўтказилганининг ўзи катта воқеа. Чунки қишлоқ келинларининг иши тўлиб-тошиб ётди. Қолверса, қайнона — қайнотадан рухсат олиб, сахнага чиқишнинг ўзи бўлади, дейсизми?...

Хонободга бориб, фахрий муаллим, Республика Халқ маорифи аълочили Эркин Абқаров билан суҳбатлашдим.

— Ҳаётда ҳам энг ибратли келин Улмасхон, — деди у мамнуният билан. — Яхши қиз маҳалладан ортайдди, деганларидек у маҳаллага келин бўлди. Ота-онаси ҳам, қайнона-қайнонаси ҳам яхши одамлар. Улмасхон 12-мактабда менинг келинларим билан бирга ишлайди. Ибратли ўқитувчи.

«Хонобод» жамоа ҳужалиги раиси муовини Муъсархон Ортиқова шундай деди:

— Қуриқ-танловда иштирок этишга Улмасхонни зурга кўндирдик. Чунки у муносибларнинг муносиби эди. Учта фарзанди бор. Эри

билан аҳил. Қайнота-қайнона билан дуосини олган. Чевар, пазанда, ҳар томонлама эпли, фаросатли. Яна у ижодкор ўқитувчи. Шеър ёзди. Икки кун ичида қуриқ-танловга ёзиб келган саҳна асари, танишув шеъри ва «алла»ни ижро этганида ҳаммамиз қўйил қолдик.

Дарс тугагач, Улмасхон билан суҳбатлашдик.

У нозикдан келган, узун бўйли, қош-қуларни попуқдек, ёқимтой аёл. Менга унинг ширин сузлиги, билим доирасининг кенглиги, дадиллиги ёқди.

— Сахнадаги эмас, ҳаётдаги ибратли ишларингиздан гапиринг, Улмасхон, — дейман унга.

— Мен... Биринчи навбатда бурч ҳақида уйлайман. Келинлик, аёллик бурчим ҳақида. Аввало қайнона — қайнонанинг қалбига йўл топдим. Уларнинг бир гапини сира икки қилмадим. Оғизларига ёқадиган таом пишириб беришдан, йўқни ҳам бордай кўрсатишдан эринмадим. Саккиз йил бирга турдик, худди ўз ота-онамдек яхши кўрдим уларни. Янги ҳовли-жой қилиб, алоҳида бўлдик. Ораси яқин. Барибир, ҳар кун бир маҳал кириб, «Дадажон, ойижон, менга нима хизмат бор?» деб салом бериб, ҳол-аҳволларини сураб, кейин ишга ўтиб кетаман. Булмаса, олдидарида овсинларим бор. Ишга кетсам, дадажоним уйимизга кириб, мол-ҳолга ўт ташлаб, пилла пайтида ипак кўртига барг солиб, ишларимни анча енгиллаштириб қўядилар.

— Ипак кўрти ҳам тутасизми?

— Ҳа, ҳар йили бир қути. Маош билангина яхши яшаш қийин. Аҳмаджон акам тегиримон юргизадилар. Тегирмонни ҳашар йўли билан ўзимиз кўрганимиз. Яна ҳар йили эрта баҳорга иссиққонда кучат етиштиришимиз. Қуятни уйдан келиб олиб кетишди.

— Тадбиркор экансизлар. Китоб ўқишга вақтингиз бўладими, ҳеч?

— Истақ бўлса — вақт топилади. Шеърли китобларни куп ўқийман. Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Мухаммад Юсуфларнинг анчагина шеърларини ёд олганман. Шукр Холмиров заевнинг ҳикоятлари ёқди. «Шайтанат»нинг иккита китобини ўқиб, учинчисига келганда зерикдим. Шундоқ ваҳима. Воқеа бурттириб қўрилган. Ки-

ши кунглини қувонтирадиган, яшашга ургатадиган, фалсафий китоблар ёқди менга. Шунинг учунми, мен одамларнинг кўпроқ яхши томонларини қуришга ҳаракат қиламан. Ҳаётдан қувончлар топишга интиламан. Масалан, Аҳмаджон акам чарчаб келсалар ёки бирор нимадан жажжлар чиқса, турт қатор бўлса-да, бу кишига атаб яхши шеър тўқийман. Кунгилларини кутариб юбораман.

«Келиним китобга ўч», деб дадажоним тўғилган кунларимда, байрамларда китоблар соғга қиладилар. Атай Фарғонага бориб, яхши китоблар олиб келадилар.

— Муъсархон, сизни чевар, пазанда дейдилар. Булар сахнадаги маҳоратингизми?

— Ҳар икковидида. — Ўлмасхон қулади. — Онам «Тўхтажон чевар» номи билан машҳур. Хонобод келинларининг ҳамма қўйлаклари онамининг қўлидан чиққан. Синглим Олмасхон ҳам катта чевар. Ёнларида қарашиб қўриб, қўлим келишиб қолган. Қуриқ-танловга ҳам янги қўйлақ тикиб, кийиб борганим, ҳайбат аъзоларига қўйлагим ҳам ёқди!

Пазандлик эса... Менимча ҳар бир аёл бу санъатни пухта билиши ва албатта мазали таом тайёрлаши керак.

— Ўқитувчилик касбингиз узингизга ёқадими?

— Жуда! Чунки мен болаларни яхши кураман. Ўзбек тили ва адабиётдан яйраб-яйраб дарс бераман. Тилимиз гузал, адабиётимиз бой. Ўқувчиларимга ёд олиш учун шеър беришдан аввал ўзим ёд ўқиб бераман. Ўқувчиларим ҳам адабиётга жуда қизиқишади.

— Орзуингиз.

— Фарзандларим: Ҳавасхон, Акбаржон, Ҳамидхонлар яхши инсонлар бўлишларини истайман. Қўлларидан бир неча ҳунарлари бўлсин, дейман. Аҳмаджон акамнинг ҳар ишда қўллари баланд келсин. Она қишлоғим — Хонобод гуллаб янасин.

Яхшилар юртидир, юртим Хонобод, Озода, саришта, ором-бахш, обод.

Марказий Фарғона бағридаги юрт, Бағрингда унади барака-ю кут.

Санъат МАҲМУДОВА.

Ўйлаб-қўйиб қўлингиз!

Ҳурматли ва азиз МАМЛАКАТХОН!

Сизни 40 ёшга тулган таваллуд кунингиз — билан чин юракдан табриклайман. Сизга оила йилида оилавий бахт, дунёдаги энг яхши тилакларни тилайман. Доимо соғ бўлинг, деб

МАЪМУРЖОН



Қизалогимиз ГҮЛЧЕҲРА!

3 ёшлик таваллуд айёмининг билан қутлаймиз! Ҳаётинг қушдек порлок, беғубор ва мусаффо бўлсин!

Ота-онанг, онанг Гузал, холаларинг Гулнора, Лола.

Муносиб меҳрибон онажонимиз

Ҳабиба КАРИМОВА!

Сизни 20 августда нишонланадиган муборак 50 ёшингиз билан чин дилдан қутлаб, мустақам саломатлик, узоқ умр тилайми!

Фарзандларингиз: Барно, Шаҳноза, Дилшод, Азиз, Севара

Ҳурматли ҚУСИНИ!

Қутлуг 50 ёшингиз билан чин дилдан қутлаб, мустақам саломатлик, узоқ умр тилайми!

ДУСТЛАРИНГИЗ.

Қадрли ва меҳрибон дадажонимиз Мирзоид Саидов!

Сизни муборак таваллуд топан кунингиз 17-август билан самимий қутлаймиз. Бахтимизга доимо соғ-саломат бўлинг. Онажоним билан куша-қариб, биз фарзандларингиз камолини қуриб юринг. Ҳаётингизга доимо омад қулиб боқаверсин.

Қамоли эҳтиром билан ўғилларингиз: Улуғбек, Отабек, Жавлонбек.

Ҳурматли Мирзоид Ҳошимов

Сизни таваллуд айёминингизнинг 50 йиллиги билан чин юракдан муборакбод этамиз, дунёнинг барча қувончларини тилаймиш. Мавлудхон билан куша қариб, фарзандларингиз бахтини қуриб юринглар.

Думбрободлик дўстларингиз.

Онажонимиз ВАЗИФА

Саидқаримхўжа қизи!

Сизни таваллуд кунингиз билан қутлаймиз! Бахтимизга уйимизни файзга тўлдириб юраверинг.

Турмуш ўртоғингиз, фарзандларингиз.

ОИЛА — 517

Олий маълумотли, зиёли, ичмайдиган, чекмайдиган, 33-ёшли одобли, келишган йигит, ўзига умр йўлдош излайди, фарзанди бўлса ҳам майли.

ОИЛА — 518

Тошкентлик, 37 ёшда, икки фарзанднинг онаси, пазанда, тикувчи, саранжом ва саришта аёл тошкентлик, болажон, меҳрибон, самимий йигитга турмушга чиқиш ниятида.

Тел: 170-03-62

ФАҚАТ, АЁЛЛАР УЧУН

Бепарво бўлманг

Аёлларимизда сут безларининг усма касаллик асоратлари қандай ривожланади? Бундай ҳавфли усма касаллигининг олдини олиш учун нималарга эътибор бериш керак?

Биз ушбу саволлар билан Усма касалликлари бўйича шифофор-мутахассис Убайдулло Нейматовга мурожаат қилдик:

— Ҳавфли усма касаллиги сут безларида пайдо бўлганда уни ўзбошимчалик билан даволаш, шунингдек ҳомиладорликни охирига етказмаслик, тўғилган чақалоқни эмизмаслик сут безларида ҳавфли усмани келиб чиқишига имкон яратди. Шунинг учун онанинг чақалоқларини эмизишда ва сут безларининг фаолиятини назорат қилиб боришда, ўз саломамлиги тўғрисида қайғуриши шу ҳавфли касалликдан сақланишда муҳим аҳамият касб этади.

Сут безларида учрайдиган ҳавфли усма турли қурилиш

да бўлади. Масалан, сут безларининг уч атрофидаги териси темирлаткига ўхшаш бўлиб қолади. Вақт ўтган сари тери қалинлашади. Бундай касаллик пайдо бўлиб, улар қўяла бошлайдилар ва катталашди. Баъзан сут безларининг шиш усмадан қисмида тери яраланиб, сут безининг ўз вақти узгаради. Касалланган сут бези соғ томонга нисбатан каттароқ бўлиб қолади. Бундай касалланиш иккинчи томонда ҳам пайдо бўлиши мумкин. Гоҳида касаллик тананинг бошқа қисмига тарқаб кетади.

Ҳозир мамлакатимизда сут безларининг ҳавфли усма касаллигини даволашнинг жуда илғор усуллари мавжуд. Ўз вақтида даволанган беморлар бутунлай тўзалиб кетдилар. Барча аёллар қандай касаллик билан шифокорларга йўлқимасинлар, албатта сут безларини текширтиришлари лозим.

Суҳбатдош: М. СУЛАЙМОНОВ



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 5 мартда қабул қилган «Бозорлар фаолиятини ва уларни бошқаришни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 82-сонли Қарори савдо ходимларига, харидорларга қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган.

Тошкент шаҳар Юнус-Обод туманида янги қурилиш маҳсулотлари бозори очилди. Бу бозор «Марк ОС» савдо уйи ҳамда Тошкент таъминот Давлат унвурлари савдо корхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Харидорлар учун бу ерда қурилиш ашёлари, хилма-хил сантехника ва халқ истеъмоли моллари сотувга қўйилган.

СУРАТДА: Савдо расталари. Бозор директори Элшод Зоҳидов ўринбосари Улуғбек Саидхонов билан суҳбатлашмоқда.

Ушанда ёшим уттизга яқинлашган бўлса ҳам ҳали уз тенгимни учратмаган эдим. Аммо ҳаётга ёруғ ниятлар билан қарар, менинг ҳам уз шахзодам келишига ишонардим. Мактабда адабиётдан дарс берардим, болалар жону-дилим эди. Шеърят оламида, китоблар дунёсида яшардим. Мен ҳамон уз жамолимга, қад-қоматимга махлиб, овгим ерга тегмай учиб юрардим. Кийган кийимларим ярашарди. Бир кун ишга келаётиб мактабимиз қаршисидаги ташкилот ёнида сигарет чекиб турган йигитга кузим түшди. Унинг қошлари кумир билан чизилгандек, кўзлари тундек қора ва ёруғ эди. Кўрдим-у, ер-у осмон чирпирак айлан кетгандай бўлди. Мен узимга келгунча, йигит мендаги ҳолатни пайқаб улгурди шекилли, яна жуда ҳам анграйиб қараган бўлсам керак, уялиб юзини четга бурди. Сунг, қулидаги сигаретани чекиб бўлмай ҳам, ишонасига кириб кетди. Шундан кейин гоҳ ишдан қайтаётиб, гоҳ ишга келаётиб дуч келиб қолардим. Аввал у куриб қолса, куриб қурмаганга олларди, олдинроқ куриб қолсам, мен ҳам шундай қилардим.

Авалло, узимга ўзим бу уткинчи ҳолат, деб таскин бериб юрдим. Аммо вақт утар, утган сайин унинг қуркам қиёфаси кунглим кузгусига қаттиқроқ урнашиб борарди. Ахирини мен узимнинг ошиқ эканлигини тан олдим. Менинг кечактан изтиробимга қандайдир шодлик аралаш эди. Фикру ҳаёлим унда, овқатга янглишиб туз урнига чой, чой дамлаётиб эса, туз солганимни билмай қолардим.

Ўриб кетаётиб, қўзим очик туш қурардим. Кузимга ҳар кун юрган йулларим бошқача қуринар, гуллар га-

ройиб тароват билан очилиб, қушлар узагача навозиш билан қулаётгандай туюларди.

Мен тинимсиз шеърлар ёзардим. Бир кун у олдинроқ кетаётган экан, ортидан кетаётган ҳам касби исми-шарифини айтиб қайтарди. Мен унинг исмини билиб олдим.

Мен шундоқ ҳам унгу сулимда уни қураб, шамол ҳам у эди, атиргул ҳам у, тиник сув ҳам, шаффоф ҳаво ҳам унинг қиёфасида эди.

Энди мен шеърларимни

МУҲАББАТ... МУҲАББАТ... МУҲАББАТ...

дик. Дабдурустан уша йигитнинг исми-шарифини айтиб: — У киши кутарилиб кетганимизлар-а? — дедим.

— Йўқ, чет элга жўнаб кетдилар, уч йилга, хабарингиз йўқми, — деди аёл.

Сунг, сиз қаердан танийсиз, деб суради. Илгари қушни турганимиз дедим-у, автобусдан тушиб қолдим. Жисми жоним-

Не кўз билан қурайки, у уша илк бор сигарет чекиб турган ерида яна чекиб турган экан. Назаримда овгим остидан ер сузиб кетгандай бўлди, гўё бир томонга оғиб кетаётгандек бўлдим. У ҳам мени кўрди. Кўрди-ю, яна уялиб четга қаради. Сунг яна мен томонга бурилиб (эсида эканманда, сезган экан-да?!) салом-

ларимнинг қорасидан оқи кўп, анча тулишганман, ёшлик деган бебаҳо қаслим утган эди. Шунга қарамасдан мен уни яна қайтиб қурганимдан бахтиёр эдим...

Мен-ку олисдаман,
мен-ку амаллаб,
Дардларимга сўздан
юланч топарман.
Барча илинжларни
оловга қалаб,
Ижод дунёсидан паноҳ
топарман.

Измингдаги маскан
ёнимдан,
Кўзларимни боғлаб
ўтарман.
Сенга бирор йуллар
қомидан,
Адашдим, деб қайтиб
кетарман.

Сенга кимлар боқмас
интизор,
Юзларингда кўзларинг
изи.

Ҳали чекмадим,
ишқингдан озор,
Қаршингдаги қотиба
қизинг?

На хотира, на
руйхатингда,
Дилларида дард
шевалари.

Фақат кўрмоқ бор
жаннатингда,
Кандай яшар
ҳамшираларинг?

Интилмасман, билмадим
нечун,
Сенга томон отилар
юрар.

Ахир севдим, деб
айтмоқ учун,
Шоир эркак бўлмоғи
керак.

ГУЛРАНГ

...ИСМИНГ ОПШОҚ БИР ҚУШДИР

унинг исмига боғлай бошладим. Ёзганларимнинг деярли ҳаммаси муваффақ бўлиб, уларни ҳеч кимга курсатмасдим. Мен унинг исмини ўзга нигоҳлардан қизғонардим. Яна шунини айтишим керак-ки, чамаси у мендан турт-беш ёш кичик ҳам эди. Ҳаёлимга ҳеч қачон кунглимда кечактан туйғуларни унга ошкор қилиш фикри келмаган. Бундай қилишга олган тарбиям йул қўймасди, шунингдек маънавий ҳуқуқим (ёшимиз жиҳатидан) ҳам йўқ эди.

«Ягона дардқашим қоғоз, ягона ҳалоскорим ижод бўлиб қолди».

Кейин у бирдан кўринмай қолди. Энди шеърларим армон билан бошланиб, армон билан тугайдиган бўлди. Ҳамма нарсадан воз кечиб уни қидиргим, топгим ва яна бир марта кўргим келарди.

Бир кун уша ташкилотда ишлайдиган бир аёл билан автобусда ёнма-ён ўтириб қол-

га ут тушган, ўзимни қайқа қуйишни билмасдим. Турмушга чиқсам, чалғийман, унутаман, деган қарорга келдим. Купдан буён бирор қарорга келишимни сабр-тоқат билан кутиб юрган йигитга розилик бердим...

Ва бошқа мактабга ишга ўтиб кетдим.

Орадан йиллар ўтди. Фарзандларим ҳам анча улғайиб қолишди. Гарчи ёзган нарсаларим матбуот саҳифаларида тез-тез босилиб турган бўлса ҳам, уша йигитга аталган шеърларини чоп эттирмадим.

Кўнлардан бир кун уша узим ишлаган мактабга иш юзасидан йулим тушди.

Қуркам дархатлар отушидаги сокин қуядан кетар эканман, ҳаёлимдан уша ёшликдаги хотиралар бир-бир ўтар, ўзимга вақт дил дардларини даволайдиган энг ахши табиб эканлигига иймон келтириб борардим.

лашди.

Нахотки, мен уни ҳамон унутмаган бўлсам?

Нахотки, менинг бир неча лаҳза бурун вақтинг энг ахши табиб эканлиги ҳақидаги ҳулосам ёлгон бўлса?

Мен узимга келганимда у аллақачон ишонасига кириб кетган эди.

Ҳаёлимга шоҳ Бобурнинг икки сатр шеъри келди.

Сочининг савдоси тушди
бошимга бошдин яна,
Тийра бўлди рузгорим
ул қаро қошдин яна.

Қулогимга уша ташкилот томон кетаётган икки йигитнинг сўхбати чалинди.

— Ҳайрият, бошлигимиз ишга кеч келаётганимизни қурмасдан кириб кетди, — деди уларнинг бири.

Мен икки бир туйғу билан сўз у ҳақида бораётганини англадим.

Орадан шунча вақт ўтса ҳам, у деярли узгармаган эди. Бу вақтга келиб, менинг соч-

нинг 1996 йил 4 апрел 5-рақамли ҳулосасига асосан Ҳафизанинг нафас олиш йулларининг беркитилишидан кейинги механик асфецияси сабабли вафот этганлиги аниқланган.

Шундай қилиб ойини этак билан ёпиб бўлмади. Жиноятларини марҳума Ҳафизага ағдармоқчи бўлишди-ю, лекин қадимдан қолиб келганидек, ҳақиқат барибир очилди.

Изтироб

ошхонадаги тусинлардан бирига осишди. Сунг келишилганидек, Шомурод уйига, онаси ичкарига қиради. Улар Бахтиёрнинг бақиргидан кейин чиқишга келишиб олишади. Бахтиёр бироздан кейин ҳовлига чиқиб дод солади.

Атрофдан қуни-қўшнилари

БЕШИКДАГИ ГҲДАГИ ҚОЛДИ...

Шундан кейин катта ўғли Шомуроднинг уйига келган она ўғиллари билан гаплашиб ўтирганида, Бахтиёр онасига қараб «Мен Ҳафизани улдирамман!» дейди. Зайнабпошша эса... Гап мушук ёки кучук бўлса ҳақида кетаётганидек, пинагини бузмасдан «Ҳай майли, улдиранг-улдира қолгин-да!» — дейди. Гапни обдон пишитишиб олишгач, режани тузишгач, Ҳафизанинг олдида келишади. Бахтиёр хотинининг овғини чалиб йиккатида ва унинг оғзи-буринини румол билан буга бошлайди. Шўрлик аёл қаршилиб курсатаётганда Бахтиёрга онаси Зайнабпошша билан акиси Шомурод ёрдамга келишади. Зайнабпошша келинининг қўлларидан, Шомурод эса оёқларидан маҳкам босиб туришади. Ҳафиза жон таслим қилгач, уни олиб бориб

йигилиб келишади. Онаси ҳам ичкаридан ҳеч гапдан хабари йўқдек, «Нима гап?» — дея чиқиб келади. Шомурод ҳам бе-хабар кишидек келади.

Балки, кўпчилик Ҳафизанинг узини осганига ишонишгандир. Лекин, дўхтир Мёнглиева Сулув жасаднинг уёқ-бўёғини текшириб қуради-да, ҳамма гапни тушунади. Чунки, марҳуманинг буйнида осилишдан қолган из йўқ, буйин суякларини бутунлиги биллинган. Шундан сунг у жиноят содир этилганига ишониб «Жиноий ишга қўл урибсизлар-да!», — деганича уйига кетади.

Одамлар бундай воқеа юз берган жойда ваҳимага тушиб қолган табиий. Лекин терговчилар уларини йўқотмайдилар. Улар жиноятни атрофлича урганиб чиқошади. Суд тиббиёт экспертизаси-

нинг 1996 йил 4 апрел 5-рақамли ҳулосасига асосан Ҳафизанинг нафас олиш йулларининг беркитилишидан кейинги механик асфецияси сабабли вафот этганлиги аниқланган.

Шундай қилиб ойини этак билан ёпиб бўлмади. Жиноятларини марҳума Ҳафизага ағдармоқчи бўлишди-ю, лекин қадимдан қолиб келганидек, ҳақиқат барибир очилди.

Афсуски, булар иш бўлди Энди Бахтиёр, Шомурод ҳам-

да Зайнабпошшалар одил қонунларимиз олдида тегишли жазоларини оладилар. Элу-юрт ичида «қотиллар», деган таъки-лаънатни кутариб юришга мажбур бўладилар.

Таассуф қиладиган жойи шундаки. Зайнаб аталмиш исмига нисбатан одамларнинг кўнглида яна бир бор нафрат уйғонар, яна бу номини эшитганда қўнчилик бир сесканиб тушар... Нима бўлганда ҳам биз оналар, шабадан раво қурмай қизларимизни вояга етказамиз. Эпик-сепик қилиб жойи чиқса орзу ҳавас билан уза-тамыз. Туй қуни «Мана бу қайнонанг эмас, онанг ўрнида онанг бўлади», — деган сўзлар қулогига қулолади. Қайнонани икки ўшини ўртасидаги бир боғлағувчи ришта деб тушунади. Аттани! Лекин, Қайнона деганлар бундайин ишларга бошқоқ бўлиб турса, буларни эшиттавериб қайси кўнглимиз билан гўл қизларимизни уларга ишонамиз? Қайдам, айбониз ёлғиз парвардигор деган гап бор. Икки томонда ҳам айб бордин. Аммо... Ота-оналарнинг, умуман катталарнинг ҳар бир келишмовчиликларидан болаларнинг қалблари изтиробга тушиб-чи? Нима бўлса-да болаҳоилар жабр тортмасликларини истардиқ. Аммо ҳаётнинг уз тасодифлари кўп экан.

Ҳафизадан эса! Бешикда уйғониб онасининг дийдорини излаб талпинувчи, ҳали онасининг меҳрига туймаган ойдекина, ширингина қизчаси қолди.

Басира САЙИД АЛИ

«Қингир ишнинг қийғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади», — деган гап бор. Бирок, бунинг мазмунини билган билади, билмаган эса аҳамият бермайди, ҳам. Фақат қингир иш қилиб қўйгангина, унинг тафсилотлари одамларга маълум бўлгангина бу мақоланинг бекарга айтилмаганини эслашди, на-доматлар қилишади. Аммо вақт утган бўлади.

Сурхондарё вилоятининг Шеробод тумани, «Оқ-Қўп-рик» қишлоғида кўнглилари унчалик оқ бўлмаган кимсалар ҳам яшашар эканлар. Бахтиёр Шомурод Буриевлар ва уларнинг онаси Зайнабпошшалар уша юқоридаги мақоланинг мазмунини англамаган инсонлардан қуринашади. Акс ҳолда... Ҳали ун гулидан бир гули очилмаган, Бобоева Ҳафизахон фожиали равишда ҳалок бўлмаган бўлармиди...

Афсуски, шундай жиноят содир бўлди. Уч кишидан иборат бу гуруҳ қилар иш-ни қилиб, яна узларича тергов ҳодимларини қалғитишга ҳам уриниб қурдилар.

Оила, турмуш, рузгор бўлгандан кейин баъзан аҳш-ймон гаплар, келишмовчиликлар ҳам бўлиб туриши табиий ҳол. Кишини изтиробга соладиган нарса шундаки, келин билан уғлини муросага келтирувчи, фарзанднинг бахтини асрагувчи онанинг бу ишга бош-қош бўлиши...

1996 йилнинг уша маз-

